



## Ислом Нури

### Ўн биринчи асос:

**“Ахлуссунна вал-жамоа”нинг сулук ва ахлоқдаги йўли**

Салаф солих — “ахлуссунна вал-жамоа” эътиқодининг асосларидан бири — улар “ал-амру бил-маъруф” (яхшилиққа буюриш) ва “ан-наҳю анил-мункар” (ёмонликдан қайтариш) ишларини олиб борадилар ва Ислом умматининг яхшилиги амру маъруф ва наҳю мункар билан боқийдир, амру маъруф ва наҳю мункар Ислом динининг буюк анъаналаридан ҳамда Ислом жамоасини сакланиб қолиш сабабларидандир. У инсон тоқатига қараб фарз бўлади ва бунда ундан келаётган манфаъат эътиборга олинади” — деб иймон келтирадилар. Аллох таоло деди:

**«(Эй уммати Мухаммад), сизлар одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро, сизлар яхши амалга буюрасиз, исён - гуноҳдан қайтарасиз ва Аллохга иймон келтирасиз»** (Оли Имрон: 110).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Сизларнинг қайси бирингиз гуноҳ ишни кўрса уни кўли билан, кудрати етмаса тили билан, кодир бўлмаса қалби билан ўзгартсин. Бу эса, (қалб билан ўзгартиш) энг заъиф иймондир”. (Имом Муслим ривояти).

“Ахлуссунна вал-жамоа” амру маъруф ва наҳю мункар қилишда мулойимлик, хикмат билан даъват ва чиройли мавъизаларни олдингга кўядилар. Аллох таоло деди:

**«(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам), Парвардигорингизнинг Йўлига - Динига донолик - хикмат ва чиройли панд-насихат билан даъват қилинг! Улар (Сиз билан**



## Ислом Нури

**талашиб-тортишадиган кимсалар) билан энг гўзал йўлда мужодала - мунозара килинг!»** (Нахл: 125).

“Ахлуссунна вал-жамоа” яхшиликка буюриш ва ёмонликдан кайтариш пайтида, Аллох таолонинг куйидаги сўзларида баён килинганидек, халқдан келган озорларга сабр килиш вожиб деб ўйлайдилар. Аллох таоло деди:

**«Эй ўгилчам, намозни тўкис адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан кайтар хамда ўзигга етган (балоларга) сабр кил! Албатта мана шу ишларнинг мақсадга мувофиғидир».** (Лукмон: 17).

“Ахлуссунна вал-жамоа” яхшиликка буюриб, ёмонликдан кайтарар экан, шу вақтнинг ўзида, бошқа бир асос — жамоатни, бирликни ва яхлитликни саклаш ва таркокликнинг олдини олишга риоя қилади.

“Ахлуссунна вал-жамоа” ҳар бир мусулмон билан самимий хамда эзгулик ва такво асосида хамкор бўладилар. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: “Дин самимий бўлишлиқдир” — дедилар. Саҳобалар: “Кимларга”, деб сўрадилар. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: “Аллох, Унинг Китоби, Унинг расули хамда мусулмонларнинг бошлиқлари ва оммасига” — деб жавоб бердилар” (Имом Муслим ривояти).

“Ахлуссунна вал-жамоа” жума ва жамоат намозлари, ҳаж, жиход ва ийд (хайит байрам)ларни амирлар билан, улар хоҳ солих ва хоҳ фожир бўлсинлар, бидъат ахлига хилоф ўларок бирга адо этишга риоя қиладилар.



## Ислом Нури

“Ахлуссунна вал-жамоа” фарз намозларини аввалги вақтида жамоат билан адо этиш учун шошиладилар (чунки намозларнинг аввалги вақти охириги вақтидан кўра афзалроқдир) ва Аллох таолонинг куйидаги оятларида баён килинганидек, намозда хушӯ ва сокинлик билан туришга буюрадилар. Аллох таоло деди:

**«Дархакикат, мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида (кўркув ва умид билан) бўйин эгувчи кишилардир»** (Мўъминун: 1, 2).

“Ахлуссунна вал-жамоа” бир-бирларига тунда намозга туришни (киёмул-лайлни) тавсия киладилар. Чунки Аллох таоло расулуллох соллаллоху алайхи ва салламни киёмул-лайлга, Унга тоат ибодатда жидду-жахд килишга буюрди.

«Оиша онамиздан ривоят килинадики: Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам кечасида намоз ўқишга турар, хатта оёқлари ёрилиб кетар эди. Шунда Оиша розияллоху анҳо: «Ё Расулаллох, сиз нега бундай киласиз? Ахир Аллох таоло сизнинг аввалги ва охириги гунохларингизни кечирганку!» дедилар. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Аллохга шукрлар килувчи банда бўлмайинми?! – дедилар». (Имом Бухорий)

“Ахлуссунна вал-жамоа” имтихон пайтларида сабот билан турадилар, бало-мусибат пайтида сабр, фаровонлик пайтида шукр киладилар ва Аллохнинг тушган казосига рози бўладилар. Аллох таоло деди:

**«Хеч шак-шубха йўкки, сабр-токат килувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис килиб берилади»** (Зумар: 10)



## Ислом Нури

Набий соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Мукофотнинг каттаси балонинг каттаси билан бўлади. Дархақиқат, Аллох таоло бир қавмни севса, уларга бало юборади. Ким бу балога рози бўлса, унга розилик бордир. Ким газаб қилса, унга газаб бордир” (Албоний: “Сахиҳу сунанит-Термизий”).

“Ахлуссунна вал-жамоа” Аллох таолодан балони умид қилмайдилар ва уни сўрамайдилар. Чунки балода сабот билан тура оладиларми ёки йўқми, билмайдилар. Аммо бало етса сабр қиладилар.

Набий соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Душманга дуч келишни орзу қилманглар ва Аллохдан офият сўранглар! Агар душманга дуч келсангиз, сабр қилинглар!” (Муттафақун алайх).

“Ахлуссунна вал-жамоа” кийинчилик пайтида Аллохнинг раҳматидан ноумид бўлмайдилар. Зеро Аллох буни харом қилган. Улар балолик кунларни тез кунда келадиган шодлик ва галабанинг умидида ўтказадилар. Чунки улар Аллохнинг ваъдасига ишонадилар ва ҳар бир кийинчилик ортидан енгиллик бор эканини биладилар. Улар бошларига тушган балоларнинг сабабини бошқаларда эмас, ўзларида излайдилар ҳамда: “Бу кийинчилик ва балолар ўз қўлимиз билан қилган нарсалар эвазига келди. Галаба гоҳо гуноҳ ишларни қилиш ёки расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга эргашишда сустлик қилиш сабабли кечикади” — деб эътиқод қиладилар. Аллох таоло деди:

**«(Эй инсонлар), сизларга не бир мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса - гуноҳ сабабли (етур)».** (Шуро: 30).

“Ахлуссунна вал-жамоа” кийинчилик ва динга ёрдам беришда ерда мавжуд бўлган сабаблар ва дунёвий тараккиётгагина суюнмайдилар.



## Ислом Нури

Шу билан бирга улардан гофил ҳам бўлмайдилар. Аллох таолонинг таквоси, гуноҳларга истиғфор айтиш, Аллох таолонинг Ўзигагина суяниш ва фаровонлик даврида шукр қилиш машаккатдан сўнг тезда гуссадан озод бўлишнинг муҳим сабабларидандир” — деб қарайдилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа” неъматларга нонқўрлик қилишнинг ёмон оқибатларидан қўркадилар. Шунинг учун ҳам, уларни бошқа одамлардан қўра берилган неъмат учун давомий суратда Аллох таолога қўп шукроналар айтган ҳолда қўрасиз.

Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: “Ўзингиздан кам кишига боқинг. Ўзингиздан ортик кишига қарманг. Чунки шундай қилишингиз Аллохнинг неъматини нописанд қилмаслигингизга муносибдир”. (Албоний: “Сахиҳу Сунанит-Термизий”).

“Ахлуссунна вал-жамоа” гўзал хулқ ва яхши амаллар билан безанадилар. Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: “Мўъминларнинг иймони қомилроғи ахлоқи гўзалроғидир” (Албоний: “Сахиҳу сунанит-Термизий”).

“Менга севимлироқ ва қиёмат кунида менга яқинроқ ўтирадиғинингиз хулқи гўзалроғингиздир” (Албоний: “Сахиҳу Сунанит-Термизий”).

“Тарозига қўйилган нарсаларнинг энг оғири — гўзал хулқдир. Гўзал ахлоқли одам гўзал хулқи билан кундузи нафл рўза тутган ва кечаси туриб намоз ўқиган кишининг мақомига етади” (Албоний: “Сахиҳу сунанит-Термизий”).

**Қуйидагилар салаф солих — “ахлуссунна вал-жамоа”нинг ахлоқларидан:**



## Ислом Нури

- Илм ҳамда амалдаги ихлос ва бунга риё кириб қолишидан қўркиш. Аллоҳ таоло деди: *«(Эй, инсонлар), **огоҳ бўлингизким, холис Дин Ёлғиз Аллохникидир** (яъни, Ёлғиз Аллохгина чин ихлос билан ибодат қилинишга лойиқ Зотдир).»* (Зумар: 3).
- Аллоҳ таоло харом қилган нарсаларга ҳурмат қилиш, улар поймол этилганда гаюрлик қўрсатиш, Аллохнинг дини ва шариатига ёрдам бериш, мусулмонларнинг ҳурматларини сақлаш ва улар учун яхшиликларни ишташ. Аллоҳ таоло деди: *«(Иш) **шудир. Ким Аллох шиорларини ҳурмат қилса, бас, албатта** (бу ҳурмат) **дилларнинг такводорлиги сабабли бўлур»*** (Хаж: 32).  
*«**Ким Аллоҳ харом қилган нарсаларни ҳурмат (риоя) қилса, бас, бу Парвардигори наздида ўзи учун яхшидир»*** (Хаж: 31).  
Тахририятдан)
- Ич ва ташқарилари яхшиликда бир хил бўлиши учун мунофиқликни тарк қилишга ҳаракат қилиш, қанчалар кўп бўлмасин қилган амалларини оз санаш, доимо охираат амалларини дунё амалларидан муқаддам қўйиш.
- Қалбларининг мулойимлиги, Аллоҳ таолонинг раҳм қилишини умид қилиб Аллохнинг ҳақиқда сузликларига кўп йиглаш, жанозани қўрганларида ёки ўлим, ўлим талвасаси ва ёмон хотимани эслаганларида қалбларининг титраши, ибратланиш ва ўлимга ҳозирлик қўриш.
- Аллоҳ таолога яқинлик мақомлари ошган сайин қамтарликнинг зиёда бўлиши.
- Аллоҳ таолога қилган ибодатларида ҳатоларга йўл қўйишлари мумкин эканини билганлари учун кўп тавба ва истиғфорлар айтиш, қилган амаллари билан қибрланмаслик, шухратни ёқтирмаслик, ёмонликлари у ёқда турсин, ҳатто қилган ибодатларида ҳам қамчилик бор деб қараш.



## Ислом Нури

- Такво тўгрисида жуда диккат-эътиборли бўлиб ўзини такволи деб даъво килмаслик ва Аллох таолодан кўп кўркиш.
- Аллох таолодан ҳаётларини ёмон хотима билан тугатишидан каттик кўркиш, Аллохнинг зикридан гафлатда колмаслик, дунёнинг улар назарида хорлиги ва уни тарк этиш, ховли-жойларни эҳтиёжга яраша куриш ва уларни зийнатлашдан узок бўлиш. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Аллохга касамки, дунё охиратга нисбатан бирингиз мана шу бармогини денгизга солгани мисолидир, бас, карасин, бармоги нимани олиб чикди экан”. (Имом Муслим ривояти).
- Ислом дини ва мусулмонлар ҳақида содир бўладиган ҳатоларга рози бўлмаслик балки уни рад килиш, агар у кечирилиши мумкин бўлган кимса бўлса, у учун узр излаш, мусулмон дўстларининг камчиликларини яшириш, такво мақомида ўз нафсини каттик тергаш, бирон кишининг айби фoш бўлишини яхши кўрмаслик, одамларнинг айбларини кўйиб, ўз айблари билан машгул бўлиш, сирларни саклаш, бирон кишига у ҳақида эшитган нарсаларни еткизмаслик, одамларга душманчилик килишни тарк килиш, уларга ёкишга ҳаракат килиш, бирон кишининг ёмонлигига ёмонлик билан жавоб кайтармаслик ва улар бирон мусулмон кишига душманлик килмаслар. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам: “Жаннатга “каттот” бўхтончи, (Имом Муслимнинг ривоятида эса “наммом”) — чакимчи кирмайди” — дедилар. (Имом Бухорий ривояти).
- Йигилишларида, гуноҳ мажлиси бўлиб колмаслиги учун, гийбат йўллари тўсадилар ва тилларини ундан саклайдилар. Аллох таоло деди: **«Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки, айрим гумон(лар) гуноҳдир! (Ўзгаларнинг айблари ортидан) жосуслик килиб юрманглар ва айримларингиз айримларни гийбат килмасин! Сизлардан бирон киши**



## Ислом Нури

**Ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми?! Ана ёмон кўрдингизми?! (Бас, гуноҳи бундан-да ортик бўлган гийбатни ҳам ёмон кўрингиз)! Аллоҳдан кўркингиз! Албатта Аллоҳ тавбаларни Кабул Килгувчи Мехрибондир».** (Хужурот: 12).

- Ўта хаёли, одобли, викорли, кам гап, сокин ва кўп сукутли бўлиш, оз кулиш, сўраган одамга кулайлик бўлсин учун хикмат билан сўзлаш, дунёвий нарсаларга кувонмаслик, бу уларнинг ақллари комил бўлгани учундир. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Аллоҳ ва охиратга иймон келтирган киши яхши сўзларни сўзласин ёки сукут сакласин!” (Муттафакун алайх) “Сукут саклаган киши нажот топибди” (Албоний: “Сахиҳу сунанит-Термизий”)
- Молини олиб ёки обрўсига тегиб ёхуд уриб ё шу кабилар билан озор берган кишиларни кечириб, афв этиш. Аллоҳ таоло деди: «(У такводор зотлар) **яхши-ёмон кунларда инфок-эхсон киладиган, газабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик килувчиларни севади».** (Оли Имрон: 134).
- Шайтонга карши курашишдан гафлатда колмаслик, унинг макру тузокларини билишга ҳаракат қилиш, тахорат, намоз ва бошқа ибодатларда васвасалардан сакланиш. Чунки буларнинг барчаси шайтондандир.
- Эҳтиёждан ортикча бўлган нарсалардан эртаю кеч махфий ва ошкора равишда садакалар бериш, озик-овкат, кийим-кечак ва бошқа нарсалардаги эҳтиёжларида ҳамдард бўлиш учун дўстларининг ахволдан хабар олиш ва ўзлари эга бўлган ҳалол нарсаларда исроф қилмаслик.
- Бахилликни ёмон кўриш, саховат ва эхсон кўлини очиш, молларни





## Ислом Нури

сарф этиш, сафарлар ва турар-жойларда дўстларга хамдард бўлиш, (чунки бу билан максадлари — динга ёрдам бериш — йўлида хамкорлик вужудга келади), дўстларга яхшилик килишга бўлган мухаббатларининг каттиклиги, бир-бирларига қувонч келтириш ва бунда ўзидан аввал дўстларни қўйиш.

- Мехмонни икром қилиш, шаръий узр бўлмаганда уларга ўзи хизмат қилиш. Улар мехмонга таом бериб унинг хизматини қилиб ҳам яхши гумонлар сабаб унга муносиб хизмат кўрсатолмадик деб тушунадилар ва таомлари харом бўлган, камбагаллар қолиб бойларни чақирилган ёки гуноҳ амаллар содир этиладиган мехмондорчиликларга ижобат қилмайдилар.
- Катта у ёқда турсин, кичик билан, яқинни қўя туринг, узок киши билан – олимку аллбатта – хатто жоҳил билан ҳам гўзал одобда бўлиш.
- Одамлар ўртасини ислох қилиш. Бу яхшилик йўлларининг энг самаралиси ва эзгулик чўққисидир. Чунки ўрталарнинг ислохи билан мусулмонларнинг ўрталарини бузиш ва адоватлар солиш учун хозирлаган шайтоннинг барча режалари пучга чиқади.
- Хасаддан қайтариш. Чунки хасад адоват, нафрат, иймоннинг заифлиги, дунё ва ундаги нарсаларни ношаръий максадда яхши қўришни пайдо қилади.
- Ота-онага итоат ва яхшилик қилишга буюриш. Аллох таоло деди: **«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик.** *(Яъни, ота-она хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ мусулмон, хоҳ кофир бўлсин уларга яхшилик қилиш фарзанднинг бурчидир)*» (Анкабут: 8).
- Чиройли қўшничилик, бандаларга мулойим муомала қилиш, кариндошлик алоқаларини боғлаш, саломни ошқор бериш, фақир, мискин, етим ва мусофирларга меҳрибон бўлишга буюриш.
- Фахрланиш, қибрланиш, тажовузкорлик ва халқлар устида



## Ислом Нури

зўравонлик килишдан кайтариш ҳамда барча нарсаларда адолатли бўлишга буюриш.

- Шариат рағбатлантирган барча фазилатли ишларни килишда сустлик килмаслик. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Хеч бир яхшиликни, хатто дўстингга очик юз билан учрашни бўлса-да нописанд килма!” (Имом Муслим ривояти).
- Бадгумонлик, жосуслик ва мусулмонлар айбларини кидиришдан кайтариш. Чунки бу ишлар ижтимоий алоқалар ва дўстлар ўртасини бузади, фасод уругларини сочади. “Ахлуссунна вал-жамоа” ўз нафслари учун (интиком шаклида) газаб килмайдилар. Чунки улар газабнинг нималигини тушунадилар. Аллох таоло деди: «(У такводор зотлар) **яхши-ёмон кунларда инфок-эхсон киладиган, газабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллох бундай яхшилик килувчиларни севади**». (Оли Имрон: 134).

“Ахлуссунна вал-жамоа”нинг булардан бошқа пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламдан мерос килиб олган кўп хулқлари бор.

“Ахлуссунна вал-жамоа” имомларининг расулulloх соллаллоху алайхи ва салламга эргашиш ва бидъатдан кайтариш хақида айтган **ўғитлари ва сўзлари**

1 — Муоз ибн Жабал розияллоху анху деди: “Эй одамлар, илмни кўтарилишидан аввал олинглар! Илмнинг кўтарилиши олимларнинг кетиши (ўлими) билан бўлади. Бидъат, бидъатчилик ва каттиккўлликдан узок бўлинглар! Эски (яъни, сахобалар вақтидаги) ишингизни лозим тутингиз!” (Ибн Ваззох: “ал—Бидаъ ван-наҳю анха”).



## Ислом Нури

2 — Хузайфа ибн Ямоний розияллоху анху деди: “Расуллох соллааллоху алайхи ва салламнинг сахобалари килмаган бирон ибодатни килманглар! Чунки, аввалги кейингига сўз колдирмади. Эй корилар, Аллохдан кўркинглар, ўзингиздан аввал яшаб ўтган кишиларнинг йўлларида кетинглар!” (Ибн Батта: “ал-Ибаана”).

3 — Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху деди: “Ким йўл изласа, ўзидан аввал яшаб ўтган кишиларнинг йўлларида кетсин. Улар Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг асхоблари бу умматнинг яхшилари, калблари соф, илмлари чукур ва такаллуфлари ози эдилар. Аллох таоло уларни пайгамбари Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга сухбатдош бўлиш ва динини етказиш учун танлаб олган эди. Уларнинг ахлоклари ва турмуш тарзларидан ўрнак олингиз! Улар тўгри йўлдаги кишилардир!” (Имом Багавий: “Шархуссунна”).

“(Сахобаларга) эргашингиз ва бидъат ишларни килмангиз, шунинг ўзи сизлар учун кифоядир. Ўзингиз учун эски, илгариги ишларни лозим тутингиз!” (Доримий: “Сунан”)

4 — Абдуллох ибн Умар розияллоху анхумо деди: “Одамлар модомики, суннатга эргашар эканлар, тўгри йўлдадирлар” (Имом Лалакаий: “Шарху усули эътиқоди ахлиссуннати вал-жамоати”).

“Одамлар чиройли деб хисобласалар-да, барча бидъат залолатдир” (Имом Лалакаий: “Шарху усули эътиқоди ахлиссуннати вал-жамоати”).

5 — Буюк сахобалардан бири бўлмиш Абуд-Дардоъ розияллоху анху: “Суннатни ушласанг харгиз адашмайсан!” — деди (Ибн Батта: “ал-Ибаана”)



## Ислом Нури

6 — Амирулмўминийн Алий ибн Аби Толиб розияллоху анху деди: “Агар дин раъй билан бўлса эди, махсининг таги устидан кўра масх тортишга лойикрок бўлар эди. Лекин, мен Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг махсининг устига масх тортганини кўрдим” (Ибн Абу Шайба: “ал-Мусаннаф”).

7 — Абдуллох ибн Амр ибн Ос розияллоху анху деди: “Бидъат пайдо бўлса, кун сайин ривожланиб боради. Суннат амалдан чиқарилса, кун сайин узоклаша бошлайди” (Ибн Батта: “ал-Ибаана”).

8 — Аббос ибн Рабиъа розияллоху анху деди: “Мен Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг (Каъбадаги) Кора тошни ўпар экан: “Мен сенинг зарар ёки фойда бермайдиган тош эканингни яхши биламан. Агар Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг сени ўпганларини кўрмаганимда эди, ўпмаган бўлар эдим” деганларини эшитдим”. (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

9 — Одил халифа Умар ибн Абдулазиз розияллоху анху деди: “Сен кавм (сахобалар) тўхтаган ерда тўхта! Чунки улар билиб тўхтадилар ва онгли равишда тийилдилар. Улар сизлар килаётган бу бидъатларни кашф этишга кодиррок ва бу нарсаларда яхшилик бўлганда эди улар бу фазлга лойикрок бўлардилар. Агар сизлар: “Улардан кейин пайдо бўлган” десангиз, уни уларга муҳолиф бўлган ва уларнинг йўлларидан огишган одамлар ўйлаб топганлар. Улар у нарсалардан беҳожат киладиган кифоя сўзларни айтиб гапириб кетганлар. Улардан оширган киши кийналган хордир. Улардан камайтирган бепарво нуксонлидир. Бир кавм уларниқидан камайтирдилар бас, жафо килдилар, бошка бир кавм улардан ошдилар, бас, гулув кетдилар. Саҳобалар эса бу иккисининг ўртаси “сиротал-мустакийм” — тўгри йўлдадилар” (Ибн Кудома: “Лумъатул-эътиқодил-ходий ила сабилир-



## Ислом Нури

рашод”).

10 — Имом Авзойи роҳимахуллох деди: “Одамлар сиздан юз ўғирсалар-да, салаф йўлида бўлинг. Чиройли сўзлар билан безасаларда, одамларнинг раъйларидан эҳтиёт бўлинг! Чунки сиз тўғри йўлда бўлар экансиз, ишнинг ўзи ойдин бўлади” (ал-Хатиб ал-Багдадий: “Шарафу асхабил-хадис”).

11 — Айюб Сихтиёний роҳимахуллох деди: “Бидъатчи ибодатида канча тиришса, Аллохдан шунча узок бўлади” (Ибн Ваззох: “ал-Бидаъ ван-Нахйю анхо”).

12 — Хассон ибн Атийя роҳимахуллох деди: “Кишилар динларида канча бидъат пайдо қилсалар, шунча суннат улардан тортиб олинади” (Имом Лалакаий: “Шарху усули эътиқоди ахлиссуннати вал-жамоати”).

13 — Муҳаммад ибн Сийрийн роҳимахуллох деди: Ўтганлар: “Модомики, киши суннат узра экан, тўғри йўлдадир” — дер эдилар”. (Имом Лалакаий: “Шарху усули эътиқоди ахлиссуннати вал-жамоати”).

14 — Суфён Саврий роҳимахуллох деди: “Бидъат иблисга гунохдан севиқлирокдир. Чунки гунохдан тавба қилинади, бидъатдан эса қилинмайди”. (Имом Бағавий: “Шархуссунна”).

15 — Абдуллох ибн Муборак роҳимахуллох деди: “Суянадиган нарсанг — суннат бўлсин. Раъйдан хадисни изохлашга қифоясинигина олгин!”. (Имом Байхакий: “Сунанул-Кубро”).

16 — Имом Шофиъий роҳимахуллох деди: “Қайси масалада суннатга



## Ислом Нури

хилоф сўзлаган бўлсам, хаётимда ҳам ўлгандан кейин ҳам бундан кайтдим” (ал-Хатиб: “ал-Факих вал-мутафакких”).

Рабиъ ибн Сулаймон роҳимахуллох деди: “Имом Шофиъий кунларнинг бирида бир ҳадисни ривоят қилди. Уни эшитган кишилардан бири: “Эй Абу Абдуллох, сиз бу ҳадисни оласизми.” — деб савол берди. Имом Шофиъий роҳимахуллох: “Мен расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламдан ишончли (сахих) ҳадисни ривоят қилсаму, уни ўзим олмасам, сизларни аклим кетган эканига гувоҳ қиламан”, — деб жавоб берди” (Ибн Батта: “ал—Ибаана”).

17 — Нух ал-Жомеъ деди: “Мен Абу Ханифа роҳимахуллохга: “Одамлар янги пайдо қилган фаразлар ва аърозлар хақидаги гапга нима дейсиз” — деб сўрасам, у зот: “У сўзлар «фалсафачилар»нинг сўзларидир. Сен суннат йўлида юр ва хар бир янги пайдо бўлган нарсдан узок бўл! Чунки у бидъатдир” — деб жавоб бердилар” (ал-Хатиб: “ал-Факих вал-мутафакких”).

18 — Имом Молик ибн Анас роҳимахуллох деди: “Суннат Нухнинг кемаси кабидир. Унга минган киши кутилади, ундан қолиб кетган киши гарк бўлади”. (Суютий: “Мифтахул-жаннати фил-эътисом бис-суннати”).

“Агар “калом” (“Калом”— мантик фанини асос қилиб, вахийни ақлга мослаш учун ҳаракат қилган оқимдир) илм бўлса эди, саҳобалар ва тобиинлар ҳукмлар хақида сўз айтганларидек, бу ҳақда ҳам бирон нарс деган бўлар эдилар. Бирок, “калом” илми ботилга далолат қиладиган ботилдир”. (Имом Бағавий: “Шархуссунна”).

Ибн Можишун роҳимахуллох деди: «Мен Молик роҳимахуллохнинг:



## Ислом Нури

“Ислом динида бирон бир бидъатни пайдо килиб, уни хасана – чиройли хисоблаган одам Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам пайгамбарликка хиёнат килган деб даъво килибди. Чунки Аллох таоло: **“Бугун мен сизларга динингизни комил килдим”**— деди. У кунда дин бўлмаган нарса бугун дин бўлмас” — деганини эшитдим». (Имом Шотибий: “ал-Эътисом”).

19 — Ахлуссунна имоми Ахмад ибн Ханбал роҳимахуллох деди: “Бизнинг наздимизда суннат асослари — расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг саҳобалари килган нарсани маҳкам ушлаш, уларга эргашиш ва бидъатларни тарк килишдир. Хар бир бидъат залолатдир” (Ла-лақой: “Шарху эътиқоди ахлиссуннати вал-жамоати”).

20 — Хасан Басрий роҳимахуллох: “Аввалги салаф солихларни кўрган одам бугун кайта тирилик келса эди, Исломдан бирон нарсани танимаган бўлар эди” — деди ва кўлини чаккасига кўйиб: “Факатгина бу намозни танир деб кўшиб кўйди. Аллох номига касам ичиб айтаманки, салаф солихни кўрмаган, шу ёмон мункар ишларнинг ичида яшаб, бидъатчининг ўз бидъатига, дунёдорнинг ўз дунёсига чакираётганини кўрган бироқ, Аллох Ўзи уни бу нарсалардан саклаган кишининг холи бундай эмас. Унинг калби ўша салаф солихга интила бошлади, уларнинг йўли хақида сўрар, катта ажрга эга бўлиш учун уларнинг изларидан борар ва йўлларига эргашар эди. Сизлар ҳам, инша-Аллох, ана шундай бўлинглар” — деди (Ибн Ваззох: “ал-Бидъа ван-Нахю анҳо”).

21 — Олими боамал Фузайл ибн Йёз роҳимахуллохнинг сўзи нақадар чиройлики, дедилар: «Хидоят йўлларига эргаш. Бу йўлга юрганларнинг камлиги сенга зарар килмайди. Залолат йўлларидан саклан! Халокатга учровчиларнинг кўплигига алданма!»



## Ислом Нури

22 — Абдуллох ибн Умар розияллоху анхумо бир масалага жавоб берганида бир киши: “Сизнинг отангиз бундан ман қилган эди-ку!” — деди. Абдуллох ибн Умар розияллоху анхумо: “Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг амрлари эргашишга лойикрокми ёки отамникими?” — деди. (Ибн Коййим жавзийя: “Задул-Маод”).

Абдуллох ибн Умар розияллоху анхумо бидъатларни инкор этишда, суннатга эргашишда саҳобаларнинг каттик турадиганларидан эди. У акса урган бир кишининг: “Алхамду лиллаҳ, вассолату вассаламу ала расулиллаҳ” (Аллоҳга ҳамдлар, расулуллоҳга салавот ва саломлар бўлсин) деб айтганини эшитди ва унга: “Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам бизга бундай ўргатмаган эдилар. Балки, “Сизлардан бирингиз атса урса «Алхамду лиллаҳ» десин” — дедилар. «Алхамду лиллаҳ вассолату вассаламу ала Расулиллаҳ» деб айтмадилар” — деди. (Имом Термизий: “ас—Сунан”).

23 — Абдуллох ибн Аббос розияллоху анхумо расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларига Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумоларнинг сўзлари билан эътироз билдирган кишига: “Сизларнинг бошларингизга тез кунда осмондан тош ёгилмаса деб кўркаман. Мен сизларга: “Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам) айтдилар” десаму, сизлар: “Абу Бакр ва Умар айтди” дейсизлар-а!” — деди (Абдурраззок: “ал-Мусаннаф”).

Абдуллох ибн Аббос розияллоху анхумо “ахлуссунна”ни сифатлар экан: «“Ахлуссунна” дан бўлган кишига бир назар ташлашнинг ўзи, суннатга даъват этиб, бидъатдан қайтаради» — деб рост айтди. (Ла-лақойй: “Шарху усули эътиқоди ахлиссуннати вал-жамоати”).

24 — Суфён Саврий роҳимахуллох деди: “Машрикдаги бир кишининг





## Ислом Нури

суннат сохиби эканининг хабари етса, унга салом йўлла. Чунки суннат ахли оз колди” (Ла-лакойй: “Шарху усули эътиқоди ахлиссуннати вал-жамоати”).

25 — Айюб Сихтиёний роҳимахуллох деди: “Суннат ахлидан бўлган бир кишининг вафот этганлигини эшитсам, гўё бирон аъзойимни йўқотгандек бўламан” (Ла-лакойй: “Шарху усули эътиқоди ахлиссуннати вал-жамоати”).

26 — Жаъфар ибн Мухаммад роҳимахуллох деди: “Мен Кутайба роҳимахуллохнинг куйидаги сўзларни айтганларини эшитдим: “Агар Яхё ибн Саид, Абдуррахмон ибн Махдий, Ахмад ибн Ханбал, Исхок ибн Роҳавайх... ва кўплаб кишиларнинг исмларини тилга олди... каби хадис ахлини яхши кўрган кишини кўрсанг, билгинки, у суннат йўлидадир. Ким у (юкорида зикри ўтган имом)ларга муҳолиф бўлса, билгинки, у бидъатчидир” (Ла-лакойй: “Шарху усули эътиқоди ахлиссуннати вал-жамоати”).

27 — Иброҳим Нахайй роҳимахуллох деди: “Агар расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг саҳобалари тирнокларига масх тортганларида эди, уларга эргашишдаги фазлга эришиш учун тирнокларимни ювмас эдим”. (Абу Довуд: “Сунан”).

28 — Абдуллох ибн Муборак роҳимахуллох деди: “Эй дўстим, билингни, ушбу кунда ўлим суннатга амал қилиб Аллохга учраган хар бир мусулмон учун кароматдир”. «Иннаа лиллахи ва иннаа илайхи рожиуун». «Биз Аллох учун (бандамиз) ва Унгагина қайтувчимиз». Аллох таолога ёлғизлигимиз, ёрдамчиларнинг озлиги, дўстларнинг кетиши (ўлими), бидъатларнинг ёйилишидан, бу умматнинг бошига келган олимлар ва “ахлуссунна”нинг ўлимлари ва бидъатларнинг



## Ислом Нури

пайдо бўлишидан арзимизни айтамыз” (Ибн Ваззох: “ал-Бидаъ ван-нахйю анхо”).

29 — Фузайл ибн Иёз роҳимахуллох деди: “Аллох таолонинг бандалари борки, Аллох таоло улар билан диёрлар (ўлкалар)ни жонлантиради. Улар суннат соҳиблари — “аҳлуссунна”дир”. (Ла-лакой: “Шарху усули эътиқоди аҳлиссуннати вал-жамоати”).

30 — Имом Шофиъий роҳимахуллохнинг аҳли суннатни сифатлаб айтган ушбу сўзлари нақадар гўзал сўздир: “Ҳадис аҳлидан бирини кўрсам, расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бирини кўргандек бўламан”. (ал-Хатиб: “Шарафу асхабил-ҳадис”).

31 — Имом Молик роҳимахуллох биз юкорида эслатиб ўтган имомларнинг сўзларини хулосалайдиган бир буюк коидани кўйдилар: “Ушбу умматнинг охири аввали ислох бўлган нарса билан ислох бўлади. У кунда дин бўлмаган нарса бугун дин бўлмас”. (Козий Иёз: “аш-Шифа”: 2/ 88).

Мана шулар аҳли сунна валжамоанинг салаф солех имомларидан баъзисининг сўзларидир. Улар бандаларнинг холисроғи, ўз умматига хайрихоҳи ва умматнинг хидоят салоҳи нима билан бўлишини билгувчирогидир. Улар Аллох таоло ва Расулининг суннатини маҳкам ушлашни тавсия этадилар. Янги пайдо килинган амаллар - бидъатлардан огохлантирадилар. Росулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам хабар берганидек халос бўлиш ва нажот йўли у зот соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннати ва йўлини маҳкам тутиш эканидан хабар берадилар.



## Ислом Нури

Мункар-гунохдан кайтаришнинг бир неча шартлари бор. Шулардан:

- Гунохдан кайтармокчи бўлган одам, кайтараётган нарсани билиши.
- Савобли иш тарк қилиниб, гунох қилинган эканини билиши керак.
- Гунохни гунох билан кайтармаслиги.
- Бу гунохни кайтариши ундан кўра каттарок гунохга олиб бормаслиги керак.

Салаф солих — “ахлуссунна вал-жамоа” йўлига даъват этиш, расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг мадрасасида таълим олган саҳобалар авлодига ўхшаш авлодларни вужудга келтиришни мақсад қилади. Аллох таоло Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламини: “Сиз буюк хулк узрадирсиз” — деб мактади. Демак, мақсад салаф солихга эътиқоддагина эмас (гарчи эътиқод энг муҳим нарса бўлса-да), балки, диний ишларимизнинг барчасида мувофиқ келишимиздир. Чунки биз даъват этаётган салафлар йўли зехндаги курук билимгина эмас, балки, уларнинг эътиқод, тасаввур, сулук ва ахлоқдаги йўлларини ҳам ўз ичига олади. Афсуски, бизнинг асримизда бу нарсага таълим-тарбия нуқтаи назаридан етарли аҳамият берилмаяпти. Бунинг аҳамиятини билдириб пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам: “Мен гўзал хулкларни охирига етказиш учун юборилдим” — деган эдилар.

Салаф солих расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга эргашдилар, унинг хулқи билан хулқланиб, амрларига итоат этдилар. Улар Аллох таоло: “Сизлар одамлар учун чиқарилган яхши уммат бўлдингиз...” — деб айтганидек эдилар. Агар биз саодатни, муваффақиятни ва нажотни хоҳласак, каттаю-кичик нарсаларнинг ҳар бирида салаф солих тутган йўлни тутишимиз керак. Аллох таоло улардан рози



Ислом Нури

«Салаф солиҳ» – «Аҳлуссунна вал-жамоа» эътиқоди (11) | 20

бўлсин!